

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВА ДИЁРА ЮЛДАШ КИЗИ**

**МУДДАТИДАН АВВАЛГИ ВА ЭРТА МЕНОПАУЗАНИНГ КЛИНИК  
ВА ПАТОГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ. КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Набиева Диёра Юлдаш кизи**

Муддатидан аввалги ва эрта менопаузанинг клиник ва патогенетик жихатлари. Коррекция усуллари ..... 3

**Набиева Диёра Юлдаш кизи**

Клинико-патогенетические аспекты преждевременной и ранней менопаузы. Пути коррекции ..... 25

**Nabieva Diyora Yuldash qizi**

Clinical and pathogenetic aspects of premature and early menopause. Ways of correction ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**НАБИЕВА ДИЁРА ЮЛДАШ КИЗИ**

**МУДДАТИДАН АВВАЛГИ ВА ЭРТА МЕНОПАУЗАНИНГ КЛИНИК  
ВА ПАТОГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ. КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2615 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каюмова Дилрабо Талмасовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ғафурова Феруза Ахраровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.1 14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс: (+99871) 263-33-14; [obs-gyn@mail.ru](mailto:obs-gyn@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс: (+99871) 263-33-14; [obs-gyn@mail.ru](mailto:obs-gyn@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Надирханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**М.М. Файзирахмонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, биология фанлари номзоди

**М.М. Асатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва ахамияти.** Дунёда сўнгги йилларда тухумдонларнинг муддатидан аввалги етишмовчилиги, яъни муддатидан аввалги (40 ёшгача) ва эрта менопауза (45 ёшгача) учраши сони ортиб бормоқда. Жаҳонда тухумдонларнинг бирламчи етишмовчилигининг глобал тарқалганлиги - 3,5% ва эрта менопауза - 12,2% ҳолатларда кузатилмоқда. Муддатидан аввал ва эрта менопауза аёлларда фолликулаларнинг сони тезкор камайиши билан тавсифланади. Бунинг натижасида ривожланган эстрогенанқислик оқибатида юзага келадиган гормонал, метаболик ва руҳий бузилишлар биргаликда уларнинг саломатлигини ва ҳаёт сифатини (ҲС) сезиларли даражада пасайтиради. Метаболик бузилишлар оқибатида аёллар юрак-қон томир тизимидаги касалланишларга замин яратади ва эрта ўлимга олиб келади. Шунингдек, муддатидан аввал ва эрта менопаузадаги аёлларда асоратларни ривожланишини олдини олиш ва даволаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ, 2022) тиббий ёрдамни ташкил этиш дастури асосида “соғлом қариш” тушунчасини киритилди. Унга асосан ҲС ни оширишга тўлақонли умр кечириш учун дастурлар ишлаб чиқилган<sup>1</sup>. Муддатидан аввалги ва эрта менопаузада эстроген етишмовчилиги сабабли климактерик синдром ривожланиши, жиддий метаболик бузилишлар ҳосил бўлишига, ногиронлик ҳамда эрта ўлимга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан бу аёллар соғлиғи ва ҲС ни сақлашга алоқадор саволлар долзарб бўлиб, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бир томондан кўп сонли тадқиқотлар муддатидан аввалги ва эрта менопауза кузатилган аёлларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган, лекин индивидуал ёндашув тамойилига асосланган, клиник-патогенетик механизмларни ўрганган ҳолда, инновацион даво-профилактик чораларни ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, бунда асосий эътибор коморбид патологияга эга репродуктив ва пострепродуктив ешидаги аёллар соғлиғига қаратилган “...аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳамда ташхислаш, юкумлик бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш.”<sup>2</sup> каби муҳим мақсадлар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда вужудга келадиган эрта эстрогенанқисликни муддатида ташхислаш ва даволаш оркали асоратларни

<sup>1</sup> Қариш ва соғлиқ. Ахборотлар сони // ЖССТ. 01.10.2022.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони «Ўзбекистон -2030» стратегиясидаги тўғрисида.

олдини олиш ва ўлим кўрсаткичларини минималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисидаги”ги Фармони, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон “Соғлиқни сақлаш тизимининг давлат бошқарувини такомиллаштириш” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика самарадорлигини ошириш орқали аҳоли соғлиғини сақлаш бўйича қўшимча чораларни ишлаб чиқиш” даги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бутун дунёда муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза ривожланиши патогенез, ташхислаш ва даво чоралари ишлаб чиқишларга катта эътибор қаратилган, лекин бу ютуқларга қарамай, бу ҳолатларни асоратларини олдини олиш ва даволаш муаммоси бутунлай ҳал этилмаган. Бунда муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза ривожланишига олиб келувчи айрим омиллар аниқланган: генетик мойиллик, чекиш, эрта менархе, ижтимоий омиллар (Reed S.D. et al., 2014), соматик, шунингдек асоратланган акушер-гинекологик анамнезнинг мавжудлиги аниқланган. Тадқиқотларда юрак қон-томир ва когнитив бузилишлар ривожланишига олиб келувчи вазомотор белгиларнинг, тана композицион тузилиши ва яллиғланиш маркерлари орасида корреляцион боғлиқлар борлиги аниқланган (ESHRE, 2016, Webber L, et al., 2016, Ford E.A. et al., 2020). Метаболик ва климактерик синдромларни (КС) ҳосил қилувчи “узилмас занжир” нинг ҳосил булиши исботланган (Lambrinoudaki I. et al., 2021 Mishra G.D., 2023).

МДХ давлатлари олимлари муддатидан аввалги ва ва эрта менопаузада климактерик синдром белгилари ривожланишига олиб келувчи этиологик омиллар, патогенетик механизмларни аниқлашга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аёлларда психоэмоционал, нейро-вегетатив, метаболик бузилишларни ташхислашга мажмуавий ёндошув ва даволаш усулини индивидуал танлашни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза мавжуд аёлларда юқори коморбидликни ҳисобга олган ҳолда турли хил доза ва турдаги гормонлар комбинациясидан иборат менопаузал гормонал терапия (МГТ), яъни эрта anti-age-давони қўллаш, эстроген етишмовчилигини бартараф этиш ва олдини олишга қаратилганлиги туфайли уларнинг ҳаёт давомийлиги ва сифатига ижобий таъсир этилиши аниқланган (Адамян Л.В. 2022, Балан В.Е., 2021, Блинов Д.В., 2020).

Ўзбекистонда климактерик бузилишларни клиник-патогенетик жиҳатлари, даволаш тамойилларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Асранкулова Д.Б., 2014, Гафурова Ф.А., 2021), климактерик синдромда метаболик бузилишлар (Мирзахмедова Н.А., 2019), муддатидан олдинги тухумдон етишмовчилиги ривожланишининг ўзига хослиги (Агабабян Л.Р. ва ҳаммуаллифлар, Тангирова Ю.А., 2020). Асосий “олтин стандарт” даво сифатида МГТ тавсия этилди, аммо уни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолда климактерик синдромни ривожланишининг турли кечишларида унинг клиник кечиши бўйича муқобил даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Агабабян Л.Р. ва ҳаммуалл., 2017).

Шундай қилиб, бугунги кунда муддатидан аввалги ва ва эрта менопаузани аниқлаш ва даволаш бўйича умумий қабул қилинган тавсиялар ишлаб чиқилиб, уни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш бўйича МГТ ни қўллаш ҲС ни ошириш асосий тамойили бўлиб ҳисобланади. Аммо турли гормонал терапия ёки ногормонал воситаларни қўллаш бўйича тўғридан-тўғри олинган қиёсий натижалар чекланган. Муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза мавжуд аёлларда клиник, метаболик ва психоэмоционал ўзгаришларишлар ҳолатига асосланган ҳолда олиб бориш муаммоси турли хил таъсир механизм ва йўналишга эга дори воситаларини қўллашни қиёсий таҳлил қилишга алоқадор аниқ йўналиш йўқ. Маҳаллий шароитга мослаштирилган муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза мавжуд аёлларни ташхислаш ва даволаш алгоритмининг йўқлиги, унинг тизимлаштирилмаганлиги ушбу тадқиқотни ўтказишга сабаб бўлди, бу эса ушбу диссертацион ишининг долзарблигини асослайди.

**Диссертация мавзуси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273-сонли “Ўзбекистоннинг турли вилоятларида сурункали ноинфекцион касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги инновацион технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2020-2024 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** муддатидан аввалги ва эрта менопаузанинг клиник кечишини ҳамда ёндош метаболик бузилишларни ўрганиш ва аёллар ҳаёт сифатини ошириш учун баённома ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муддатидан аввалги ва эрта менопаузанинг тиббий-ижтимоий шаклланиш омилларини ва клиник кечишини тадқиқ қилиш;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза кузатилган аёлларнинг метаболик ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза кузатилган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишнинг муқобил даволаш усуллари ишлаб чиқиш;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза кузатилган аёлларда тизимли бузилишларни тўғрилашга қаратилган ташхислаш, олиб бориш ва даволаш тамойиллари алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон шаҳар 3-сон оилавий поликлиникасига мурожаат қилган 30 ёшдан 49 ёшгача бўлган (ўртача ёши  $42,0 \pm 0,22$  ёш) 93 нафар аёллар олинган, шундан муддатидан аввалги ва эрта менопауза билан оғриган 57 нафар аёлда дифференциаллашган даволаш амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** аёлларнинг амбулатор карталарини (анкета), қон зардобини, биоимпеданс кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда гинекологик, гормонал, биокимёвий, психометрик, инструментал ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясида муддатидан аввалги ва эрта менопауза (8,3%) учраш сони ҳамда климактерик синдромнинг асоратли (11,5 ва 27,7%), атипик, кризли (23,1 ва 26,5%) кечиши аниқланган;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда менопауза юзага келган вақтга боғлиқ ҳолда метаболик бузилишлар компонентларининг частотаси ва яққоллиги, шунингдек, атероген хавф ва инсулинорезистентликдан дарак берувчи С-реактив оксиленинг ҳамда TuG индексининг ошишиши аниқланган;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда биоимпеданс текшируви ёрдамида аниқланувчи тананинг композицион таркибининг бузилиши ҳам юқори, ҳам нормал тана вазни индекси ҳолатида ёғ массаси фоизининг ошиши ва саркопения билан бирга кечиши исботланган;

муддатидан аввалги ва эрта менопаузали аёлларда даволаш чораларининг мақбул усулини танлашга ва даволаш давомида аёллар ҳолатини интеграллашган ҳолда баҳолашга имкон берувчи, тадқиқот натижаларини комплекс баҳолашга асосланган ташхислаш ва олиб боришга инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муддатидан аввалги ва эрта менопауза ривожланишининг хавф гуруҳлари (предикторлар) шаклланишининг мезонлари, шунингдек, эстроген етишмовчилиги шароитига аёл организмнинг дезадаптацияси билан боғлиқ бўлган ва аёлларнинг ҳаёт сифатининг пасайишида намоён бўлувчи климактерик ҳамда метаболик бузилишларнинг ривожланиши асосланган;

ўтказилган комплекс текширувлар асосида муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда климактерик ва метаболик бузилишларни бартараф этиш ва коррекциялаш учун ёш аёлларда ҳаёт сифатининг ошишига имкон берган даволашнинг рационал ва самарали мажмуавий, гормонал давога муқобил бўлган индивидуал ёндашуви ишлаб чиқилган;

муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги,

беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, биокимёвий, психометрик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёллар соғлиғига баҳо беришга мажумавий ёндашув ва уларда кейинчалик ҲС ни ошириш мақсадида патогенетик даволашнинг гормонал ва муқобил даво таъсир қилиш борасидаги назарий билимлар ва асосларнинг кенгайтиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёллар климактерик ва ёндош касалликларни тизимли бузилишларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишга қаратилганлигидадир. Ушбу аёлларни индивидуал олиб боришга ёндашувни ишлаб чиқиш орқали клиник-лаборатор кўрсаткичларни ҳамда ҲС ни ошириш имконияти пайдо бўлди. Муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда КС ва метаболик бузилишларини инновацион усулини ишлаб чиқиш даволаш алгоритмининг қўлланилиши касаллик клиник белгилари ривожланишидан олдинги даврда ташхислашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 30 сентябрдаги № 61-35/у хулосаси асосида тасдиқланган:

*биринчи илмий янгилик:* ўзбек популяциясида муддатидан аввалги ва эрта менопаузани учраш сони ҳамда климактерик синдромнинг асоратли, атипик, кризли кечишининг тарқалганлигини аниқлаш Фарғона шаҳар поликлиникаси (буйруқ №37 23.10.2023 й.дан), РИОваБСИАТМ Наманган филиали (буйруқ №21 20.10.2023й.дан) ва Андижон шаҳар туғруқ комплекси (буйруқ №25 22.10.2023 й.дан) амалиётига татбиқ қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагидан иборат:* популяцияда муддатидан аввалги ва эрта менопаузани ҳамда климактерик синдромнинг асоратли ва атипик кечишини ўз вақтида аниқлаш асоратларни минималлаштиришга ва аёллар ҲСни оширишга олиб келди. *Иқтисодий самарадорлиги:* муддатидан аввалги ва эрта менопаузани ҳамда климактерик синдромнинг асоратли ва атипик кечишини ўз вақтида аниқлаш ни татбиқ қилиш, ўз вақтида ва патогенетик асосланган даво ўтказиш асоратларни ва даволаш муддатини камайтирди. Янги ёндошувни татбиқ қилиш натижасида ташхислаш ва даволаш учун кетадиган харажатлар 768 000 сўмни ташкил этди. Муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёллар оилавий шифокорга, тор мутахассисларга мурожаат этганда, кўп миқдорда ташхислаш тестларининг ва асосланмаган даволаш айинланганда харажатлар 1 600 000 сўмни ташкил этади. Натижада битта беморда

832 000 сўм тежалди. *Хулоса:* муддатидан аввалги ва эрта менопаузани ҳамда климактерик синдромнинг асоратли ва атипик кечишини ташхислаш учун предикторларни ва сўровномаларни қўллаш эрта эстроген танқислигидан азият чекаётган аёлларга сифатли ёрдам кўрсатилиши битта аёлга 1 664 000 бюджет маблағларини ва бюджетдан ташқари маблағларини 832 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

*иккинчи илмий янгилик:* муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда менопауза кузатилган вақтга боғлиқ ҳолда метаболик бузилишлар компонентларининг учраши ва кучлилиги, С-реактив оксил (СРО) ортиши ҳамда атероген хавфни ва инсулинорезистентлигини билдирувчи TuG индекси ортиши аниқланди ва Фарғона шаҳар поликлиникаси (буйруқ №37 23.10.2023 й.дан), РИОваБСИАТМ Наманган филиали (буйруқ №21 20.10.2023й.дан) ва Андижон шаҳар туғруқ комплекси (буйруқ №25 22.10.2023 й.дан) амалиётига табиқ қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагидан иборат:* муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда инсулинорезистентликни ва атероген омилни ўз вақтида аниқлаш бир қатор метаболик бузилишларнинг олдини олиб, ундан сўнг семизлик, қандли диабет ва юрак ишемик касалликларининг олдини олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда СРО ва TuG индексининг миқдорини ўз вақтида аниқлаш юрак-қон томир касалликлари ва метаболик бузилишларнинг олдини олиш, даволаш муддатини қисқартириш ҳамда 1 008 000 сўмни тежаш имкоини беради. муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда асоратлар юзага келгандан сўнг инсулинорезистентлик ва атероген СРОни аниқлаш ташхислаш ва даволашга қўшимча 12 304 000 сўм харажат бўлишига олиб келади. Янги ёндошувни татбиқ қилиш ташхислаш ва даволашда ҳар бир аёлдан 11 296 000 сўмни тежаш имконини берди. *Хулоса:* аёлларда метаболик бузилишларни эрта ташхислаш эрта эстроген танқисликнинг кечки асоратларининг олдини олиш имконини берди, бу эса бюджет маблағларини 22 592 000 сўм тежаш имконини беради ва бюджетдан ташқари маблағларни 11 296 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

*учинчи илмий янгилик:* муддатидан аввалги ва эрта менопауза мавжуд аёлларда биоимпеданс усуллар ёрдамида аниқланган танасининг композицион таркибининг бузилиши, юқори тана вазни индексидаги каби нормал тана вазни индексида ҳам тананинг ёғ ва мушак массасининг % кўрсаткичлари ошиши исботланган ва Фарғона шаҳар поликлиникаси (буйруқ №37 23.10.2023 й.дан), РИОваБСИАТМ Наманган филиали (буйруқ №21 20.10.2023й.дан) ва Андижон шаҳар туғруқ комплекси (буйруқ №25 22.10.2023 й.дан) амалиётига табиқ қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагидан иборат:* ўтказилган биоимпеданс таҳлил усули қисқа вақт давомида саркопенияни ва ўтказилган давони динамик баҳолаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* татбиқ қилинган биоимпеданс таҳлил усули денситометрияга нисбатан афзаллиги тананинг композицион таркибини комплекс баҳолашдан иборат бўлиб, даволаш самарадорлигини баҳолаш

харажатларини камайтиришга имкон беради. Бутун танани денситометрия усулида текширишга кетадиган иқтисодий харажат 300 000 сўм бўлса, биоимпеданс текширишлар - 60 000 сўмни ташкил этади, ҳисоб-китобда иқтисодий фойда  $300\ 000 - 60\ 000 = 240\ 000$  сўмни ташкил этади. Агар текширишлар даволашдан олдин ва кейин амалга оширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар бир аёл учун  $240\ 000 \times 2 = 480\ 000$  сўм иқтисодий фойда бўлади. *Хулоса:* Биоимпеданс тахлили орқали аёлларда тана композицион таркибини аниқлашда харажат 60 000 сўмни ташкил қилади. Шундай қилиб, ҳар бир беморга бюджет маблағларини 960 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 480 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

*тўртинчи илмий янгилик:* муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза мавжуд аёлларда текшириш натижаларини комплекс баҳолашга асосланган ташхислаш ва олиб боришга инновацион ёндошув, даволаш тадбирларининг оптимал усуллари танлаш ва даволаш динамикасида аёллар аҳолини интегрирланган баҳолаш Фарғона шаҳар поликлиникаси (буйруқ №37 23.10.2023 й.дан), РИОваБСИАТМ Наманган филиали (буйруқ №21 20.10.2023 й.дан) ва Андижон шаҳар туғруқ комплекси (буйруқ №25 22.10.2023 й.дан) амалиётига табиқ қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагидан иборат:* ушбу даврдаги аёлларнинг ижтимоий ҳолатини, рухий ҳолатини ва фаоллигини баҳолаш уларнинг ҳаёт тарзини дозалаштирилган жисмоний юкламалар, инозитол ва фитоэстрогенлар самплементацияси билан тўғри овқатланиш рационини тузиш ва қўллаш орқали тўғрилаш имконини беради, бу эса маълумотга эга бўлмаслик ва тадбирни амалга оширолмасликка нисбатан эрта ёшда юзага келган менопаузал даврга яхшироқ мослашишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлик:* муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза мавжуд аёлларни олиб бориш алгоритминини татбиқ қилиш муддатидан аввалги ва ва эрта менопауза ташхиси аниқланмаган аёлларнинг оилавий шифокор ва тор мутахассисларга мурожаати ҳамда ҳаёт тарзини ўзгартирмасдан асоссиз даво олишдан ҳисобланган харажатлар 1 579 000 сўмни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Муддатидан аввалги ва эрта менопауза ташхисланган аёлларни олиб бориш учун таклиф этилган комплекс ёндошув харажатларни камайтириб, даволашнинг тиббий ва иқтисодий самарадорлигининг ошишига бу эса 1 нафар беморга бюджет маблағларини 3 158 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 579 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилик келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муддатидан аввалги ва эрта менопауза муаммосининг замонавий ҳолати. Тушунчалар, патогенез, ташхислаш ва даволаш. (Адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва чет эл тадқиқотлари адабиётларининг шарҳи келтирилган. Асосий эътибор муддатидан аввалги ва эрта менопауза (МАМ ва ЭМ) ривожланиши этиологияси, патогенези, унинг соғлиқ ва ҳаёт сифатига таъсирига ажратилган. Ушбу патологияда кузатиладиган метаболик ва гормонал бузилишлар ўрганилган. Энг асосийси натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, сабаб-оқибат занжиридаги гормонал механизмлар орқали таъсир қилиб, тўқима ва аъзолар дисфункциясига олиб келувчи биринчи босқич бу МАМ ва ЭМ генетик ёки ногенетик асосга эга бўлган, бутун тўқима ва аъзоларга таъсир қилиб, уларда қариш жараёнини тезлаштиради. МАМ ва ЭМ ни гормонал ёки ногормонал даволаш йўллари ҳақида маълумотлар берилган. Тана композицион тузилиши таҳлили орқали метаболик бузилишлари ҳақида маълумот биоимпеданс тадқиқот орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Муддатидан олдинги ва эрта менопауза мавжуд аёлларни текширишнинг материаллари ва услублари”** номли иккинчи бобида клиник материал ва усулларнинг асосий тавсифи берилган. МАМ ва ЭМ учраш сонини аниқлаш мақсадида 2021-2022 йилларда 30-60 ёш бўлган (ўртача ёш  $48,7 \pm 0,38$  ёш) 1525 нафар аёлларда сўровнома таҳлили ўтказилди. Ўзбек популяциясида МАМ (1,7%) ва ЭМ (6,62%) учраш ҳолати аниқланди.

Тадқиқотнинг II-босқичида 93 нафар аёлнинг сўровнома таҳлили, умумий клиник ва махсус гинекологик кўрикда климактерик синдромни аниқлаш, ижтимоий/махсус психометрик тадқиқот усуллари орқали соғлиғи ҳолатига баҳо берилди.

КС оғирлигига баҳо бериш ва даво усулини танлаш учун менопаузал индексни аниқлашнинг ўзгартирилган Купперман такомиллаштирилган

менопаузал индекси (1959) (КТМИ) Е.В. Уварова томонидан ўзгартириш киритилган (1982) туридан фойдаланилди. КС оғирлигига баҳо бериш ва даволаш усулини танлаш учун КТМИ ни аниқлашда баллар йиғиндисидан фойдаланилди, бунда нейровегетатив, эндокрин-алмашинув ва психоэмоционал бузилишлари эътиборга олинди. Белгилар яқоллиги 0 дан 3 баллгачани ташкил этиб кейинчалик улар қўшилади. Бунда КС нинг енгил тури ёки 1-даража 12-34 баллгача, ўртача ёки 2-даража 35-37 баллни, 3-даража ёки  $\geq 58$  баллдан юқорини ташкил этади.

ҲС ни баҳолаш учун маҳаллий ўзига хосликлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган Россия акушерлик ва гинекология, перинатология илмий марказида ишлаб чиқилган сўровнома (1998) дан фойдаланилди. Сўровнома аёллар томонидан мустақил тўлдирилди. ҲС 7 та таркибий тузилмадан иборат эди: физиологик фаоллик (ФФ) – 6 та савол, психик ҳолат (ПХ), ижтимоий ҳолат (ИХ) ва шахсий фаолият (ШФ), сексуал ҳолат (СХ) ва ўз соғлиғига субъектив баҳо беришдан иборат. Йиғилган баллардан келиб чиқиб, ҳар бемор ўз ҲС ни “яхши”, “қониқарли” ёки “ёмон” деб баҳо берди. Натижалар таҳлили қўлланмага асосан амалга оширилди. ҲС ни аниқлашда ҳар бир олинган кўрсаткичнинг ўртача сони кейинчалик 6 ойдан сўнг даволаш-профилактик чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин яна бир марта бажарилди.

Аёллар асосий ва назорат гуруҳларига бўлинди. Асосий гуруҳга 60 нафар МАМ ва ЭМ кузатилган аёллар киритилиб, улар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинди; 1-гуруҳ, (n=26) – МАМ мавжуд аёллар; 2-гуруҳ, (n=34) – ЭМ мавжуд аёллар; назорат гуруҳини, (n=33) – шу ёшдаги амалий соғлом аёллар ташкил этиб, уларнинг бир қисмида ёшига мос равишда ўз-ўзидан менопауза кузатилган.

Биокимёвий таҳлил ўтказилди: бунда аёл танасидаги СРО ва углевод ҳолати глюкоза (ммоль/л га баҳо берилди). Айрим липид кўрсаткичлари таҳлили қон зардобиди «Hoffman-La-Roche» (Австрия) анализаторларида энзиматив-ферментатив усул ёрдамида Human (Германия) реактивларидан фойдаланилиб ўтказилди, бунда умумий холестерин (УХ), паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП), жуда паст зичликдаги липопротеидлар (ЖПЗЛП) ва юқори зичликдаги липопротеидлар ЮЗЛП), триглицеридлар (ТГ) ммоль/л ларда ўлчаниб, у W.T.Friedwald, (1972) формуласига асосан ҳисобланди. Атерогенлик коэффициенти (АК) А.Н. Климова ва Н.Г. Никульчева (1999) формуласига асосан ҳисобланди. СРО ни қон зардобиди ИФТ нинг миқдорий усулида сезгирлиги 0,05 мг/л бўлган ОАЖ «Нема» (Россия) тест тизими орқали таҳлил қилинди, ва триглицерид ҳамда глюкоза кўрсаткичлари асосида инсулинрезистентликни кўрсатадиган  $TyG$  индекс ҳисобланди. Шунингдек, МАМ ва ЭМ кузатилган аёлларда аменорея кузатилган ҳолда ишончли ташхислаш олиб бориш мақсадида қон зардобиди фолликулостимулловчи гормон (ФСГ, МЕ/л) ва антимюллер гормони (АМГ, нг/мл) хемиллюминесцент имун таҳлили ёрдамида амалга оширилди.

Ички аъзолар ултратовуш текшируви стандарт усулда LandWind medical Model Mirror2 50V60Hz500VA аппарати (Хитой) ёрдамида 3,5 МГц конвексион трансабдоминал узатмаси ва 7,5 МГц кин узатмаси ёрдамида реал вақт давомида амалга оширилди. Бунда протоколга бачадоннинг кенглиги, узунлиги, унинг олд ва орқа ўлчамлари, шунингдек, тухумдонлар ҳолати, антрал фолликулалар миқдори ҳам киритилди.

Барча биокимёвий ва инструментал текширувлар Андижон тиббий диагностика маркази (АТД директор Б.А Абдунабиев, шифокор-лаборант Н.В Старцева) да ўтказилди.

Биоимпеданс текшируви аёлларда тананинг композицион тузилиши, метаболик ҳолатни аниқлаш учун ўтказилди. Текширув Республика Спорт тиббиёти илмий-амалий марказида (директор, т.ф.д., доцент К.К. Сирожитдинов; шифокор-диетолог А.В. Мальков). Биоимпеданс текширувида ёғ ва мушак массаси %, бел айланаси (БА) нинг сон айланаси (СА) га нисбати БА/СА, ТВИ (тана вазни индекси) ни аниқлаш тана таркиби ABC-01 аппаратида «Медасс» илмий-техник марказида (Россия, Москва шаҳри) дастурий таъминоти билан таҳлил қилинди.


III-босқичда 30 ёшдан то 49 ёшгача бўлган (ўртача  $44,2 \pm 0,28$  ёш), 84 нафар аёлларда даволаш-профилактика ишларининг самарадорлиги баҳоланда, бунда МАМ ва ЭМ кузатилган у клиник кўринишлардан ва касалликнинг патологик кечишига боғлиқ бўлиб, бунда 2 хил терапевтик ёндашув қўлланилганлиги туфайли 2 гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳига 30 нафар даво олмаган аёллар киритилди.

Асосий босқичдаги тадқиқотга киритиш мезонлари: 30-49 ёшдаги аёллар, 1 йилдан 6 йилгача ҳайз кузатилмаганлиги, 6 йилгача постменопауза даври, текширишдан олдин 6 ой давомида МГТ олмаганлиги, гормонал контрацепция, антидепрессантлар, шунингдек бошқа дори воситаларини қабул қилмаслик, 4-6 ҳафта ичида 2 марта аниқланган вақтда  $ФСГ \geq 25$  МЕ/л гача,  $ЛГ \geq 30$  МЕ/л,  $АМГ < 0,1$  нг/мл гача эканлиги аниқланса, ундан ташқари фолликуляр аппарати бўшаб қолиши: бачадон нормал ўлчамлари аниқланган пайтда эндометрий қалинлиги  $< 4-5$  мм, ҳар бир тухумдонда 2 тадан ортик антрал фолликулаларни аниқланиши, уларнинг гомоген тузилмаси (катакчаларнинг аниқланмаслиги); маммография натижалари – BIRADS I, II; ПАП-тест – нормал цитограмма, LSIL (ASC-US, CIN I).

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари: сут безларининг ёмон сифатли ўсмалари, анамнезида ёки ҳозирги вақтда мавжуд эстрогенга боғлиқ ёхуд бошқа тур ва локализациядаги ёмон сифатли ўсмалари; декомпенсация ёки кўзиш давридаги сурункали касалликлар, ўткир яллиғланиш ёки нояллиғланиш жараёнлари, ҳомиладорлик, жарроҳлик менопаузаси, аменорея, гиперпролактинемия ва бошқа эндокрин патология туфайли кузатилган гормонал бузилишлар ва бошқа декомпенсацияланган эндокрин патологиялар, маммография натижалари – BIRADS III, IV, V; ПАП-тест натижалари - HSIL (CIN II-III), Cr in Citu, AGC.

Диссертациянинг учинчи “Муддатидан аввалги ва эрта менопауза кузатилган аёлларнинг соғлиги ва ҳаёт сифати ҳолати” бобида текширув ва сўров натижалари келтирилган бўлиб, унинг натижасига асосан барча гуруҳлардаги соматик патологиялар учрашлиги бўйича ошқозон-ичак тизими: 32,3% дан - ЭМ гуруҳида 48,5% гача – назорат гуруҳида, ЭМ (1 гуруҳ) гуруҳда деярли ҳар тўртинчи аёлда гепатохолецистит, гастрит (23,1%) аниқланди. Экстрагенитал касалликлар орасида қалқонсимон без патологияси 2-ўринни эгаллаб, ЭМ гуруҳида (1-гуруҳ-46,2%) беморларида қолган гуруҳларда (2-гуруҳ) 36,3% дан 33,3% гача (назорат гуруҳи) бўқоқ аниқланди. Қалқонсимон безнинг ушбу патологиясидан ҳар 2-аёлда аутоимун тиреоидит аниқланди (диагр. 1). Шу нарса маълум бўлдики, ўлкамизга хос яна бир патология сифатида камқонлик 1-гуруҳда (ЭМ) ҳар 5-аёлда, 2-гуруҳда эса (МAM) ҳар 10-аёлда (11,7%) кузатилди. Метаболик синдром таркибига кирувчи – АГ ва қандли диабет (ҚД) аниқ ёш билан боғлиқ ҳолда кузатилди. ЭМ гуруҳда АГ касаллиги 11,5 %, МAM ва назорат гуруҳида– деярли ҳар 5-аёлда – 20,5 ва 21,2% - деярти 2 марта кўп кузатилди. ЭМ гуруҳида ҚД аниқланмади, фақат ЭИ ва назорат гуруҳида (2,9 ва 6,0%, мос ҳолда) кузатилди. Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари касалликлари ЭМ ва МAM гуруҳида назорат гуруҳига (12,2%) нисбатан 2 марта кўпроқ – ҳар 5-аёлда аниқланди (19,2 ва 20,8%, кўпроқ ишончлилиқ,  $P < 0,05$ ). Кўп ҳолатларда барча гуруҳларда деярли бир хил даражада асаб-руҳий ҳолат аниқланди –11,5 дан 17,7% гача аёллар депрессия ёки асабий-руҳий кўзғалишларга шикоят қилишди.

Ҳайз цикли характери таҳлил қилиш менархе бошланиш ёши ЭМ ва МAM гуруҳларда 13,2дан (1-гуруҳда) назорат гуруҳига нисбатан 13,9гача анча эрта бошланганлигини кўрсатди (жадвал 1). ЭМ гуруҳдаги ҳар 10-аёлда (11,5%) эрта менархе аниқланиб, 2-гуруҳга (5,8%) нисбатан деярли 2 марта ва назорат гуруҳига нисбатан 4 марта (3%) кўпроқ кузатилди, бу ушбу қизларда ЭМ бошланишидан дарак беришини кўрсатди. Кечки менархе –16 ёшдан кейин – кўпроқ ЭМ гуруҳда - 5 нафарда (14,7%,  $P < 0,01$ ) аниқланиб, МAM гуруҳидаги қизларда кузатилмади.



1-расм. Текширилган аёлларнинг соматик ҳолати, (%)

Барча текширилатган аёллар гуруҳида ҳайз цикли давомийлиги аниқланганида у 21 дан 35 кунгачани ташкил этиб, (ўртача  $26,7 \pm 0,29$  ва  $28,0 \pm 0,46$  кунни) ( $P < 0,05$ ), МАМ гуруҳида у бироз узокроқ давом этганлиги аниқланди, бунда ҳайз кунлари гуруҳларда қарийб бир-бирига яқин бўлиб назорат гуруҳида  $4,4 \pm 0,11$  кунни, асосий гуруҳда эса  $4,6 \pm 0,38$  кунни ташкил қилди. Ҳайз цикли доимийлиги МАМ ривожланиши хавфи ҳақида далолат берганлиги туфайли у аниқланганда, у 26 нафар беморнинг 4 тасида ( $15,4\%$ ,  $P < 0,05$ ) кузатилганлиги маълум бўлди (1-жадвал).

Репродуктив, акушерлик анамнезини ўрганганимизда, 89 нафарида ( $95,7\%$ ) ҳомиладорлик, 87 та туғруқ ( $93,5\%$ ) кузатилган, шундай қилиб, аёлларнинг кўпчилигида анамнезида ҳомиладорлик ва туғруқ кузатилган. Эътиборга мойил томони шундаки, абортлар сони барча гуруҳларда юқори эди ( $61,5$  дан  $71,3\%$  гача), бунда ҳар 6-аёлда анамнезида аборт ёки ҳомила тушиши кузатилган. Бунда аборт ва ҳомила тушиши нисбати 2:1 ни ташкил қилди.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги аёллар ҳайз цикли ҳақидаги маълумотлар, (абс., %)

	Муддатидан аввалги менопауза (МАМ), n=26		Эрта менопауза (ЭМ), n= 34		Назорат гуруҳи, n=33	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Менархе	$10,2 \pm 0,22^*$ (10-15)		$13,7 \pm 0,15^{\wedge}$ (10-18)		$13,9 \pm 0,11$ (10-18)	
11 ёшгача	3	$11,5 \pm 6,4$	4	$4,0 \pm 2,0$	1	$0,60 \pm 0,60$
16 ёш ва ундан юқори	0	0***	14	$13,9 \pm 3,5^{\wedge\wedge}$	20	$12,0 \pm 2,5$


Норегуляр ҳайз	4	15,4±7,2*	2	2,0±1,4	3	1,8±1,0
Менопауза давомийлиги		11,9±1,89** (1-28)		8,2±0,57***^ (1-22)		5,3±0,47 (1-16)
Менопауза ёши		36,7±0,50*** (30-39)		43,1±0,18***^^ (40-45)		49,1±0,29 (45-54)

**Изоҳ:** \*- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиқ даражаси (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001), ^- MOM гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиқ даражаси (^-P<0,05; ^^P<0,01; ^^P<0,001)

Беморлар анамнезида гестацион гипертензив ҳолатлар эса кам аниқланган бўлсада, МАМ гуруҳида у 2 марта ЭМ гуруҳида эса 1,5 баравар назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ аниқланди. Туғруқлар МАМ ва ЭМ гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ кузатилган (P<0,05; P<0,001).

Гинекологик анамнез текширилган пайтда аёллар жинсий аъзоларида ўтказилган жарроҳлик аралашувлари МАМ гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 5 марта, ЭМ гуруҳида эса 2 марта ортиқ эди.

Жинсий аъзолар яллиғланиш касаллиги МАМ ва ЭМ гуруҳларида кўпроқ учраган бўлсада, натижалар ишончлилиги паст эди. МАМ кузатилган аёлларнинг ҳар 4-сида миома аниқланган бўлиб, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 13,2% ни, яъни 2 марта, ЭМ гуруҳида эса, у 5,9% ҳолда учраб, биринчи кўрсаткичига нисбатан 4 марта камроқ аниқланди. Тухумдон кисталари МАМ гуруҳида кўроқ учрагани аниқланди, бунда у гуруҳдаги ҳар 10-аёлда аниқланганлиги туфайли назорат гуруҳига нисбатан у 2 марта кўроқ кузатилди, ЭМ гуруҳида эса 4 марта кўпроқ эътироф этилди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миометрий гиперпластик жараёнлари ва тухумдон кисталари МАМ ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари сифатида баҳоланиши мумкин (2-расм).



2-расм. Аёллар гинекологик анамнези, (%)

Менопауза кузатилиши ва давомийлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳларда постменопауза давомийлиги узоқроқ бўлганда (3-6 йил) МАМ кузатилган аёллар гуруҳида 12 тасида (46,2%)

хайзнинг эрта содир бўлган, ЭМ кузатилган аёлларнинг 10 тасида (9,9%) ҳамда назорат гуруҳининг 14 тасида (42,4%) да аниқланди, бунда “терапевтик ойна” эстроген етишмовчилигининг гормонал давоси – “олтин даво стандарти” бўлиб ҳисобланади.

КС даражаси оғирлиги бўйича аёлларнинг кўпчилиги (барча гуруҳлардаги аёлларнинг ярмидан ортиғи) ЭМ ларнинг ҳар 3-сида, МАМ кузатилган аёлларнинг эса, 26 тасидан 7 тасида (26,9%) аниқланди. КС нинг оғир даражаси МАМ гуруҳида (1 тасида 3,8%) ва назорат гуруҳида (2 тасида 3,6%) учради. Таъкидлаш лозимки, КС оғирлик даражаси бошидан кечирган гестацион гипертензив бузилишлар орасида тўғри корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аёл организми гормонал қайта тузилиш пайтидаги МС кузатилиши компенсатор механизмларига халақит беради (2-жадвал).

Дунёда энг асосий ўлим сабаби бу-юрак қон-томир касалликларидир. Уларга гипертензия, атероген дислипидемия, углевод алмашинуви бузилиши, инсулинорезистентлик – метаболик синдромнинг мавжудлиги олиб келади, бироқ метаболик синдромнинг асосий белгиси – бел айланаси (БА)  $\geq 80$  см.

## 2-жадвал

### МАМ, ЭМ ва назорат гуруҳларида климакс кечишининг қийсий тавсифи, (абс., %)

Ҳолат, (балл)	Муддатидан аввалги менопауза (МАМ), n=26		Эрта менопауза (ЭМ), n= 34		Назорат гуруҳи, n=33	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Менопауза ёши	36,7±1,2***		43,1±1,4**^		49,1±1,6	
Менопауза давомийлиги	11,9±0,40***		8,2±0,27***^^		5,3±0,18	
КС сиз	2	7,7±5,3	12	11,9±3,2	13	7,8±2,1
КС билан	24	92,3±5,3	89	88,1±3,2	154	92,2±2,1
КС 1 ст	16	61,5±9,7	55	54,5±5,0	99	59,3±3,8
КС 2 ст	7	26,9±8,9	33	32,7±4,7	51	30,5±3,6
КС 3 ст	1	3,8±3,8	1	0,99±0,99	4	2,4±1,2
Умумий ўрта балл	30,8±1,0*		29,8±0,99		27,7±0,92	

**Изоҳ:** \*- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси (\*-P<0,05)

Шунинг билан МАМ ва ЭМ кузатилган ва табиий пре- ва пери- ва постменопауза кузатилган беморларда бел айланаси (БА)  $\geq 80$  см. дан ошиши МАМ гуруҳидаги ярмидан кўп аёлларда, ЭМ кузатилган аёлларнинг 80,2% аёлларда аниқланган бўлса, назорат фақат 26,9% да аниқланди, бунда кўрсаткичлар 1,5 ва 3 барабар ортиқ эди (3-жадвал). Шу билан бирга БА барча гуруҳларда 80 см дан ортиқ эканлигини аниқланди.

ТВИ (тана вазни индекси) ўртача кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар таҳлил қилинганда, (18 дан юқори ва 26 паст эди) ўртадан юқори кўрсаткич 28,5 дан то 29,0 гача эканлиги тасдиқланди. Аммо асосий гуруҳдаги ҳар 5-аёлда (МOM ва ЭМ) ва назорат гуруҳидаги ҳар 4-аёлда нормал ТВИ аниқланди.

Барча гуруҳларда ортикча ТВИ (ТВИ=25,1-29,9 ёки 39,5 дан 42,3). 1-даражали семизлик асосий гуруҳдаги ҳар 4-аёлда, назорат гуруҳидаги эса, ҳар 5-аёлда (20,4%) кузатилди. Назорат гуруҳининг семизликнинг 2-даражасида ҳар 10-сида кузатилиб, у МAM гуруҳидагидан 3 марта ортик (3,8%). ЭМ кузатилган аёлларнинг 8% да 2-даражали семизлик ва МAM кузатилганларнинг 7% да 3-даражали семизлик аниқланди.

